



МИНИСТЕРСТВО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН



МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ, НАУКИ И ИННОВАЦИЙ РУЗ



ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТОМАТОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

VI МЕЖДУНАРОДНЫЙ КОНГРЕСС СТОМАТОЛОГОВ

**«АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СТОМАТОЛОГИИ
И ЧЕЛЮСТНО-ЛИЦЕВОЙ ХИРУРГИИ»**



СБОРНИК ТЕЗИСОВ

1. Казеко, Л. А. Быстропрогрессирующий периодонтит: подходы к лечению. Часть 1 / Л. А. Казеко // Современная стоматология. – 2015. - №4. – С. 10-13.

КОВИД-19 БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА ЮЗ ЖАҒ СОХАСИНИНГ ЙИРИНГЛИ НЕКРОТИК ЖАРАЁНЛАРИНИ КЛИНИК -МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Курбонов Ё.Х., Боймуродов Ш.А., Махмадалиева Д. О., Нармуротов Б.К.

Тошкент тиббиёт Академияси

COVID-19 билан оғриган беморларни оғиз бўшлиғида мукормикоз билан зарарланиши танглай соҳасида шиллик қаватини рангини турли кўринишда ўзгариши, шиш, яра, танглайда юза некротик ўчоқлар, каттиқ танглай ва жағ суякларини ялонғочланиши ва суяк юзасининг қорамтир юзаси ғадир-будир кўринишида намоён бўлади. Мукормикознинг яқинда пайдо бўлиши ва COVID-19 билан бирга ривожланиши бу касалликларни бир бирига тўлиқ боғлиқ деб ҳисобланмасада, пандемия даврида бу жараёни келиб чиқишига етарлича сабаб ва шароитлар ҳамда беморларда соматик ҳамроҳ касалликлар, сурункали микроб ўчоқларини бўлиши мукормикозни ривожланишига туртки бўлади.

Мақсад: COVID-19 ўтказган ва юз-жағ соҳаси мукормикоз билан асоратланган беморларда морфологик тадқиқот ўтказиш.

Материаллар ва тадқиқот усуллари: 2019-2021-йилларда Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасининг COVID дан кейинги марказида COVID-19 инфекцияси ва унинг юз-жағ соҳасидаги йирингли-некротик асоратлари билан даволанган 118 нафар беморни комплекс текширувдан ўтказдик ва даволадик. Ўрганилаётган ҳолат сифатида юз-жағ соҳасида йирингли-некротик жараёнлар бўлган беморлардаги ярали жараённинг клиник кўрсаткичлари ва қондаги иммун ҳимоя омиллари кўриб чиқилди. Ташқи кўрикда ва маҳаллий ҳолатни аниқлашда анатомик соҳаларнинг шишиши ҳисобига юз ва бўйин конфигурациясидаги ўзгаришларнинг мавжудлиги аниқланди. Шишган соҳадаги терининг ранги (тана ранги, гиперемия) визуал (кўз орқали кўриш билан) баҳоланди. Палпацияда инфилтратнинг ўлчами, оғриқнинг борлиги, терининг таранглиги, йирингли ўчоқларнинг мавжудлиги аниқланди. Венсан симптомини аниқлаш ўтказилди. Оғизни очиш даражаси, яллиғланиш контрактурасининг намоён бўлиши ва оғриқлар аниқланди. COVID-19 билан касалланган беморлар юзида йирингли-некротик жароҳатларнинг турли шакллари ва кечишини аниқлаш, шунингдек даволаш усуллари яхшилаш мақсадида тепа юз-жағ, бурун шиллик қавати ва бурун олди синусларидан олинган материалларни морфологик тадқиқ қилдик. Микропрепаратларнинг микроскопик ва

гистологик тадқиқоти Республика патологик анатомия марказининг патогистология лаборатория бўлимларида бажарилди, микропрепаратларни бўяшда гематоксилин ва эозин бўёғидан фойдаланилди. Микропрепаратларни тадқиқ қилиш ва таъриф беришда CYAN. Model DN – 30 OM. С приставкой 34 MP MICROSCOPE Camera, окуляр-объектив катталиги $x=4 \times 10 \times 0,5$, $x=10 \times 0,25 \times 0,5$. дан $x=40 \times 0,65 \times 0,5$ гача бўлган биноккуляр микроскопдан фойдаланилди

Натижалар: COVID-19 билан касалланган беморлар юзида йирингли - некротик жароҳатларнинг клиник-морфологик шакллари текширув натижаларида мукормикоздан шикастланиш 33%, Candida Albicans 6,7%, Сурункали яллиғланиш фонида мукормикоз-10,3%, Диморфли (мукормикоз + кандидоз) микотик шикастланиш -7,6%, Ангиоматоз полип-4,2% , Яллиғланишли полип-8,4% Безли - кистозли полип -6,7%, Безли-шилликли полип 10,3%, Фиброзли полип 10,3% аниқланди.

Хулоса: юқорида таърифланган COVID-19 билан касалланган беморлар юзида йирингли-некротик жароҳатлар, бурун ва бурун олд бўшлиқларининг шиллик каватидаги морфологик ўзгаришлар, замбуруғли шикастланиш билан таърифланиб, яллиғланиш жараёнининг узок вақт кечиши билан боғлиқ, шиллик ўсимталар ва кистоз ҳосилалар бўлган эпителий гиперплазияси билан боғлиқ бўлган бурун йўллари архитектоникасининг бузилиши билан, ҳамда яллиғланиш элементининг борлиги билан, бошқа ҳолларда эса секретининг кўп ажралиши билан, бу эса табиий нафас олишнинг бузилиши билан кечиб давомли гипоксия ривожланишига олиб келади. Юқоридаги барча бузилишлар гипоксия фонида турли тизимлар функцияси пасайиши билан айниқса мия функцияси пасайиши бирга кечади. Морфологик тадқиқотдан олинган натижалар шиллик каватлардаги ўзгаришлар ва клиник белгиларнинг батафсил тавсифини кўрсатиб беради, ҳамда юздаги нам гангрена - нома ривожланиш хавфини баҳолашга, шунингдек касалликнинг қайталанишини олдини олишга имкон беради.

СРАВНИТЕЛЬНАЯ ОЦЕНКА ХИРУРГИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ ТРАВМ СКУЛООРБИТАЛЬНОГО КОМПЛЕКСА

Боймурадов Шухрат Абдужалилович, Юсупов Шохрух Шухратович,
Нармуротов Бахтияр Каршиевич, Иминов Комилжон Одилжонович

Ташкентская медицинская академия

shoha_03@mail.ru